

КИШЛОК РАҚИМЛАР

1991 йил 4 июль

ПАЙШАНБА

№ 127 (5.169)

БАҲОСИ 8 ТИНИН

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг рўномаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

Ислом КАРИМОВ:

«ДЕМОКРАТИЯ—ҚОНУНГА ВА ШАХСГА ҲУРМАТ ДЕМАКДИР»

Ўзбекистон Президенти, жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси

И. А. Каримовнинг «Рабочая трибуна» рўномаси саволларига жавоби

Ислом Каримовнинг шахсиятига нисбатан у ўтказётган сиёсатни бутунлай қабул қилмаслигини тортиб унинг номи билан беэҳтиботлик интиқларни ҳайратланиб олдирилмоқда. Маълумотга кўра интисодчи, тарбияси жиҳатдан «заовда сунги қотган», эътиқодига кўра байналмилалчи бўлган Ўзбекистон ССР Президенти ўз савдошлари билан биргаликда жумҳурият учун Иттифоқ доирасида у эришиш мумкин деб билаётган фаровонлик йўлини барпо этмоқда.

Бошқалар асрий алоқаларни намойишкорона ва бутунлай узган бир пайтда Каримов биринчи бўлиб янги Иттифоқ шартномасини тайёрлашда марказ суҳбатчиликка йўл қўёт-

ганлигини баралла айтди. У ўзи раҳбар бўлганга қадар ўт олган Фарғона можаросига барҳам беришга, ўш фоҳиасида мурасога келиш йўлини қидириб топишга, миллатлар-аро бошқа можаролар манбаларини чеклашга эришди.

М. С. Горбачев билан учрашувлардан торт-тиб энг олис қишлоқлардаги тез-тез бўлиб турадиган суҳбатларга — барча даража-ларда ўз маъини қаттиқ туриб ҳимоя қи-ладиган инсоннинг табияти ҳаммага ҳам маъ-қул бўлавермайди. Ўзбекистон Президентининг одамлар ва жумҳурият манфаатини ўзи-ни боғлашга, ушман жамиятининг маънавий негизларини сақлаб қолтишга ҳамда интисоди-ётда ва сиёсатда бошбошдоқликка йўл қўй-маслиқка қаратилган йўлини тушумаслиқ

сабабли ёки қасддан бу йўлни тоталитар ту-зумни ва бир партияли ҳокимиятни сақлаб қолтишга интилиш деб кўрсатишга уринмоқда-лар.

Бу иш далил-исботларсиз, ниҳоятда жўн тарзда амалга оширилмоқда. Оқин қора, қо-рани оқ дейишгача беришмоқда. Яқинда «Ме-гаполис-экспресс» ҳафтаномада «Ислом Ка-римовнинг ўзбеклар иши» деб аталган кўп маъноли сарлавҳа остида босилган мақола ас-лида ана шундай «сиёсий портрет»нинг қора акси тасвири намунаси. Мақолада Ўзбеки-стон Президентининг жумҳурият аҳолисини, энг камбағал табақалар ва кўп болали оила-ларни иқтисодий ҳимоя қилишга қаратилган фармонлари ҳам «хуқиронлик тафаккури»-нинг нишоналари деб кўрсатилади.

— УШБУ мақола ёълон қилинишининг ўзи ана шундай фикрлаш намунаси эмасми, ахир, — дейди суҳ-батдошим. — Хорижий дав-латларнинг бошқаларни шунга бунинг бўлмаган ҳол-да нима умидлар иттифоқ дош жумҳуриятларнинг раҳ-барлари шунга осонгина тош отишга йўл қўйилмоқ-да. Кимдир хоҳласа обрўй-ни тўнмади, хоҳласа — елка-сига қочиқ қўйди.

— Нима учун сиз тўх-танган ҳимоя қилишдан қонун-га муносабат этиялган?

— Қайда дейсиз, мянгов гапларга ўралашибнинг ни-ма кераги бор, ишимиз бош-дан олиб ётибди. Жуда кат-та табиий бойликлар, бит-мас-туганмас меҳнат ре-сурсларига эга бўлган жум-ҳуриятимиз энг камбағал республикалар қаторида ту-рибди. Жумҳуриятнинг ма-макетининг пахта, деҳқон-га айланган шунга рубёга чиқарилишини натижа-да оғир аҳолига тушиб қол-ган. Энди бу аҳолини ту-затиш керак. Кичик-кичик ва ўртача корхоналар, хори-жий технологиялар, барча шаклдаги мулкчиликнинг тенглиги, имтиёзли тарзда солиқ солинадиган кўшма корхоналар, илм-фанни та-лаб этидиган ишлаб чиқариш корхоналари, чет алларда қўллаб қадрлар тайёрлаш, хорижий инвестициялар учун кенг йўл очиб бериш, Итти-фоқ ичкарисидagi алоқалар-ни ва умумий иқтисодий ма-конини сақлаб қолтиш тўғри-сида ўйлангиз, ҳуллас, биз гоёт тигиз муудатга мулжалланган ҳаракат дас-турига эгамиз.

Бироқ жамият дучор бўл-ган маънавий бўҳронни ҳам бартараф этиш, халқнинг кайфиятини, ватанпарвар-лик руҳини кўтариш, унинг ўз кучларига ишончини оширишда ёрдам бериш ке-рак. Бунинг бизнинг барча режаларимиз барбод бўла-ди.

— Аммо сиёсий мухолиф-ларнинг сизга аксинча таъ-на қилмоқдалар, сизни ўз халқига эркинлик беришни хоҳламаётган ҳуждорифат қилиб кўрсатмоқдалар.

— Мен фақат бир нарсани — халқларнинг бошига азоб-укубат келтирадиган ва қон тўкилишга сабаб бўла-диган бошбошдоқлик, ҳоки-миятсизлик ва адоват бўли-шини истайман. Демокра-тия ҳамма нарсани қилиш мумкин деб, ўзбошимчилик билан талқин этиш ана шун-га олиб келади. Мен демок-ратик жамиятнинг, энг аввало, қонунга қўлоқ солиш деб биламан. Бироқ қонунда турмушнинг барча ҳолатла-рини назарда тутиб бўлар-миди? Демак, ёзилмаган қо-нулар, жамиятнинг ахлоқий негизларини, уларнинг бўзи-

лишга йўл қўйиб бўлмас-лигини белгилаб берувчи ёзилмаган қонунлар, маъ-навий қонунлар тўплами зарур. Яъни одам жамият-даги мезонлар доирасида ўзига эркинлик ва чеклаш-лар даражасини белгилаб олади.

Бу ривожланиб борувчи узлуксиз жараёндир. Гап билан демократ бўлиб қо-ймайди киши. Тоталитар тар-бия билан нздан чиққан онгизм у ёки бу томоннинг ҳақлигини исботлаш шакли сифатида куч ишлатишни ҳал узоқ вақт маъқуллаб туради. 1985 йилнинг апрел-дан биз ҳаммамиз демо-кратлар бўлиб қолдик, деб ўйлаш соддадир. Ҳо-кимият учун кураш ошқо-ра туз олганлиги аён. Бу курашда ҳар бир киши де-мократияни ҳам унинг пи-ровард мақсадларини ҳам қандай тушунаётганлигини намён этади. Мен демо-кратияни халқни жипслаш-тиришга, унинг бунёдкор-лик куч-гайратларини рубё-га чиқаришга, барча соғлом кучларнинг ҳамкорлигига таяниб жумҳуриятимизни иқтисодий-иқтисодий танг аҳволдан олиб чиқиш деб тушунаман.

— Лекин сизнинг мухо-лифларингиз ҳам худди шундай мақсадларни эълон қилмоқдалар-ку?

— Ана шу мақсадларга эришиш усуллари ва воси-талари-чи? Ўтмиш аёвсиз тақдир қилинмоқда ва улар-нинг келгусига мулжаллан-ган режалари қалбақдир. Аммо қачонгача салбий му-носабат билдириш, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни қи-дириш мумкин. Бундай усул билан бунёдкорликни эмас, балки вайронгарчи-ликни, ҳамкорлик йўллари-ни излашни эмас, балки яқин қишлоқларга нисбатан даҳр-газага тўқилишни осон-гина юзага келтириш мум-кин. Тўғри, пахта якнахо-кимлиги қарор топди, Орол қурий бошлади, атроф-му-ҳит заҳарланди, халқ эъти-қоди ва аънавалари таъбиқ-этнлди, феодализмдан со-циализмга «сақраб» ўтил-ганлиги тарбиб этилди.

Бироқ энди ўтмиш хато-ларидан тўғри хулоса чи-қариб, уларни тақдорлаш-дан ахтиёт бўлиб, аҳолини тузатишга киришайлик. Халқ ишончининг ҳам чегараси бор, вақтимиз гоёт энг. Тўғ-рисини айтсам, меҳнат жа-моаларида ва кўчаларда одамларга яқин вақт ичид-а аҳолининг яхшиланганини кўтмаслик керак, деб айтди-мен учун жуда оғирдир. Мен арзон-таров шуҳрат орттирмоқчи эмасман. Эл ишончига таяниб Президент сифатида халқ билан ошқо-ра гаплашганим шарт.

Вазият қийин. Бироқ агар биз пахта майдонлари-

ни кескин қисқартириш ҳамда бўшаган юз минглаб гектар ерларни деҳқонлар-га ва шаҳарликларга фой-даланиш учун бўлиб бериш йўлидан бормаяганимизда, ахвол янада қийинроқ бўлу-р эди. Эҳтимол, бугунги кун-да биз бошқачароқ очликни ва бир эмас, бир неча Фар-ғона фоҳиаларини бошдан кечирган бўлу-р эдик. Биз марказий ва маҳаллий ҳо-кимият тузилмаларининг қаршилигини енгиб ўтиб, ана шундай ишларни амал-га оширдик.

Турли партиялар ва ҳара-катларнинг вакиллари бўл-ган ва бизни тақдир қила-ётганларга бизга ёрдам бе-ринг, жойлардаги расмий-чи тўғралар, порахўрлар ва диндаслар ишчи барбод этмасликлари учун чинакам халқ назоратини йўлга қўйинг, дедик.

— Рози бўлишдими?

— Йўқ. Сиз ишлайверинг, биз эса сизнинг хатоларин-гизни кўрсатиб борамиз, дейишди. Наҳотки, демокра-тия деганлари шу бўлса?!

Нарх-наво мисли қўрил-маган даражада оширилган-дан кейин (Иттифоқ ҳукума-тининг айби билан шу дара-жада оширилди, деб ҳисоб-лайман), Тошкентдан юзлаб километр наридаги Янқабог-да галлаёндлар бўлиб ўтди. Яна мухолифларимиз ерда-мида чет эл «Озолик» ра-диостанцияси орқали киш-лоқ аҳолисидан олти киши-нинг қони тўкилди, у ерга алоҳида вазибаларни бажар-увчи милиция отряди қис-млари олиб кирилди, деган гаплар тарқатилди. Шуниси ҳайратланарлики, бу хабар ҳақиқий воқеалар бошлан-ишдан икки кун олдин бе-рилди. Эфир орқали тарқал-ган гаплар ҳақиқатга мос тушмас эди. Янқабогдай олис жойда нима учундир Тошкентдан келиб қолган «халқ ҳимоячилари»нинг бутун бир туруҳи иш олиб-борди. Улар нари бора бозор расталарини остин-устун қилган маҳаллий саёқлар

тўдасини кўпайтиришга му-ваффақ бўлишди. Бундай хатти-ҳаракатлар-ни халқ иродасининг ифода-си, яъни демократиянинг намён бўлиши деб ҳисоб-лаш мумкинми? Расмий маъмурлар нима қилишлари: эҳтирослар авж олдирили-шига йўл қўйиб беришлари керакми? Ёки тартибсиз-лиқнинг пайини қирқишлари керакми? Агар жамиятда интизом ва ҳуқуқ-тартибот-ни сақлашни яқка ҳокимлик деб аталса, нима ҳам дер-дик, мен бу борада изчил «яқка ҳоким» бўламан.

— Бир партияли систе-мага содиқ бўлган сизга жумҳуриятни бошқа пар-тиялар яшай олмайдиган «коммунистик қўриқхона»га айлантирилганда ҳам айб-ламолар.

— Бир партияли система жуда қалтис бўлиб, унда назоратсиз ҳокимият нопок қўлларга ўтиб қолиши мум-кин, ҳолбуки, биз ўз тарих-ида бундай ҳолларни бир неча бор бошдан кечирдик. Бундай система осонгина тоталитаризмга, халқни ва партиянинг оидий аъзолари-ни лақиллатишга олиб ке-лади. Шунинг учун мен мамлакат Конституцияси-нинг 6 ва 7-моддалари бе-кор қилинишини тўла-тўқис қўллаб-қувватлайман.

Лекин Фарбдаги ривож-ланган демократияларга бир назар ташланг — ҳар бир давлатда дарғалик қила ола-диган қанча партия бор? Бармоқ билан санарли Бу тўғридир, чунки партиялар муайян синфлар ва таба-қаларнинг манфаатларини ифода этади, улар ораси-дан янги-янги аъзоларни са-фарбар қилади. (Кимга таф-силотлари керак бўлса, В. И. Ленин асарларини тасвля қиламан).

Ўзбекистон Компартияси салкам 700 минг кишини бирлаштириб, меҳнаткаш-лар мутлақ барча табақала-рининг манфаатларини ҳи-моя қилади. Компартия ўзи-

нинг бултур бўлиб ўтган XXII съезидида жумҳурият-ни иқтисодий-иқтисодий ян-гитлаш, аҳолини бозор муш-кулотларидан ҳимоя қилиш, Ўзбекистонда яшовчи халқ-ларнинг дўстлигини мустаҳ-камлаш дастурини олға сурди ва у қидилиш билан қўллаб-қувватланди. Дасту-ри ва ҳаракатлари бизни-кидан ҳам яхшироқ бўлган бошқа партия мавжуд бўлса, халқ уни қўллаб-қувватлай-ди.

Аммо ҳамма гап шунда-ки, ҳозирча бундай куч йўқ. Биз жумҳуриятнинг жа-моат ташкилотларини тўғри-сидagi йўналишга қабул қил-дик. Шунга мувофиқ у ёки бу партиянинг рўйхатга оли-ниши учун бор-йўғи 3 минг аъзоси бўлса kifойа. Ле-кин негиздир ҳозирча ари-залар тушмапти. Халқ-нинг билан эканлигига энди ўзингиз баҳо беринг. Тўғ-ри, Фарғона воқеаларидан кейин Компартиянинг об-рў-эътибори жуда тушиб кетди, чунки вазият шу қа-дар кескин эдикки, жумҳу-риятнинг ҳар қандай бур-чида Фарғонадагидек ала-га авж олиб кетиши мум-кин эди. Ўзбекистон Ком-партиясининг ўша пайтдаги раҳбарлари эса билмасдан агардир юборилган бир то-ғорачадаги қўлундай тўғ-рисидagi сафсата билан халқни тинчлатишмоқчи бўлишди.

Биз ўшанда кабинетлар-дан одамлар ҳузурига чиқ-дик, улар билан ички қў-шиларнинг, милтиқлар ва қалқонларнинг орқасида ту-риб эмас, балки беэҳтиот сўзлашганин ўргандик.

Ўша пайтда кўпчилик пи-орлардагидек силлиқ эмас, балки қийинчиликлар билан шунинг англаб етишдикки, агар сен партия аъзоси бўл-санг муштарак манфаатлар билан яша, ишда бошқа-ларга қараганда кўпроқ гайрат кўрсат. Қўлингдан келмайдими, тинч бир жой-ни топ, ҳисобчи бўл, тонг саҳарлари бемалол баллиқ тутиб юрабег: фақат халқ-нинг ишончи билан ўйна-шма, унинг ҳис-туғиуларин билан чайқовчилик қилма.

— Дарвоқе, ҳис-туғиулар тўғрисида. Гап-сўзларга, мин-мишларга қараганда сиз Ш. Р. Рашидовга нис-батан алоҳида илҳос билан қарар эмишсиз, унинг раҳ-барлик услубига амал қи-лишга уринаётган эмишсиз. Ҳатто, «янгирашидовчилик» ибораси пайдо бўлди.

— Бўлмагур гаплар, ме-нинг назаримда, булар сиёсий баҳсда ҳақиқий да-лиллارнинг йўқлиги ту-файли пайдо бўлди. Норас-мий ҳаракатлардаги ва бош-қа баъзи оқимлардаги му-

(Давоми кичикча бетда).



ХИРМОН ДОНГА ТҮЛМОҚДА

Фарғона районидаги Ҳам-роқул Турсунқулов номи-ли колхоз — сертармоқ хў-жайи. Бу ерда асосий соҳа ҳисобланган пахтачиликдан ташқари чорвачилик, пил-лачилик, галлачиликда ях-ши натижаларга эришил-моқда.

С. Ҳомидов бир неча йил-дан бери хўжаликда самара-ни ҳис қилиб, эл ҳур-матини қозongan. Айни пайтда галлачилик, брига-даси бошлиғи. Жамоа жо-ри йилда 52 гектар май-донда арпа, 50 гектарда бугдой, 6 гектар ерда жа-вар экиб, парваришлади. Шунинг таъкидлаш керакки, вақтида ўғит билан озик-ланган, сувга қонди-рилган ниҳоллар бўлиқ ўси-мул ҳосил тўплади. Ҳозир галлазорда бўлсангиз, баҳри-диннинг очилди. Ана, ик-кита комбайн кемадек бу-дойзорда сузаяпти. Ақа-ука механизаторлар Абдура-йим ва Абдукарим Мадалиев-лар рулни қаққонли билан бо-шқариб, ҳайбатли машиналар-нинг тўхтовсиз ишлашини таъминлашмоқда. Улар ўз касбларининг устаси. Чун-ки ҳар йили ўрим-йиғимда фаол қатнашиб, ҳамкасб-лари ўртак бўлишди.

— Иш кўролинг сиз бўл-са, машаққатингиз озу бў-лур. Дарҳақиқат шундай, — дей-ди Абдураҳим Мадалиев. — Ҳали мавсум бошланмасда-ноқ комбайнларни пишиқ-пухта сошлаб қўйгандик. Эн-

диликда уларнинг беҳато ишлашига интилаймиз.

Шу кунларда хўжалик галлазорларида юшқин меҳ-нат ҳуқмор. Ўрим агрега-ларидан самарали фойдала-нишмоқда. Ҳар бир ком-байн билан кунига 3,5—4 гектар майдоннинг ҳосили саранжомлаб олинапти.

Хўжаликда галлазорлар ижарачиларга шартнома асо-сида тақсимилаб беришга тармоқни ривожлантиришда кўл келаяпти. Мул ҳосил этиштирилмоқда, у тез ва соз йиғиштирилмоқда. Ра-ҳимжон Мамасолиев, Абду-ҳалим Охунов каби пудрат-чилар ҳар соҳада ибрат. Ҳар қайси 7 гектардан майдонда арпа сенб, тек-таридан 40 центнердан дон, кўплаб сомон ўриб-йиғиб олишга эришди.

Биз ҳимоя қилаётган аза-матлар «Қизил шағал» адир-ларидида меҳнат қилишмоқда. Мавсум иштирокчилари ўрим-йиғимни белгиланган тадбир асосида олиб бори-шляпти. Янчилан дон ва сомон пешма-пеш хирмон-га ҳамда чорвачилик ферма-сига жўнатишмоқда. Хир-монжойда галлани ёйиб ку-ритиш ишларида тажрибали отахонлар ёрдамга келиш-ган. Қобилдин Раппқов, Ми-ролдин Аббаров, Ҳўрабой Иўлдошев, Раҳмонали Ак-баров каби кенсалар бу ишга бош-қош. Сомонни ортишда ва фермага ташинида ишчи-лардан Омилжон Комилов,

Кимё Иўлдошев, механизатор Абдуғаффор Мадалиев гайрат кўрсатишляпти.

— Хўжалигимиз бошқа-руви, жамоат ташкилотлари ўрим-йиғимни қисқа муудат-ларда, сифатли ўтказиш мақсадида барча имконият-ларни ишга солмоқдалар, — дейди бошқарув раиси Қўзи-муҳаммад Жўраев. — Меҳ-нат беллашуви жонли, ош-қора ташкил этилмоқда. У ҳар беш кунда яқунланиб, голябларни ҳар томонлама рағбатлантиришляпти. Шу-нингдек, мавсумда қатнаша-ётганларга унумли ишлаш-лари, кўнгилли дам олиш-лари учун ҳамма қўлалли-лар яратилмоқда. Мунтазам иссиқ овқат тайёрланыпти. Хўжаликда иш сифатини бош агроном Абдуғани Ҳа-кимов ва партия ташкилот-ининг котиби Тўхтасин Юсу-пов бошчилигидаги комис-сия назорат қилиб бормоқ-да. Ҳамияҳватини, астойдил меҳнат тўғрисида этиштирил-ган галла исрофгарчилиқни саранжомлаб олинмоқда. Хирмон донга тўлапти.

А. ТўХТАСИНОВ, «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Ке-са отахонлар Қобилдин Ра-ппқов (чапдан), Миролдин Ак-баров, Жўрабой Иўлдошев ва Раҳмонали Аббаров хир-монда. 2. Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Қўзи-муҳаммад Жўраев (чапда) ижарачи галлакор Абдуҳалим Охунов билан арпа ҳосил-дан мамун. 3. Сомонни фер-мага ташинида ўртак кўрс-таётган механизатор А. Ма-далиев (ўртада), ишчилар Кимё Иўлдошев ва Олимжон Комилов.

Л. КИМ олган суратлар.

ҲОСИЛ БАРАКАСИ

сумда Фармон Расулов, Ибод Ибодов, Хайрулла Тўхтаев каби комбайнчилар пешқа-дамлик қилишмоқда. Донни хирмонжойга ташинида Қў-рбон Эшонқулов, Абдураҳим Набиев, Шокир Нарзуллаев сингари телекочилар фаол. Далада ишлаётганларга ҳамма шароит муҳайё этил-ган. Улар ҳар кун икки ма-ҳал иссиқ овқат, мева ва сабзавот маҳсулотлари би-лан таъминланышляпти. Кўчма вагон дам олиб ҳор-диқ чиқаришга мулжаллан-ган.

— Хўжалик маъмурияти белгиланган тадбирлар асо-сида ўрим-йиғим транспорт от-рядлари ташкил қилинган,

— дейди шундай отрядлар-дан бирининг бошлиғи ком-мунист Анвар Чўлпиев. — Бу мавсумни ушшоқлик билан ўтказиш имконини бермоқда. Мавжуд комбайн-лар самарали ишлатилля-пти. Ўзаро беллашув ҳар беш кунда яқунланиб, го-ляблар рағбатлантириляғта-ни иш унумини оширмоқда. Арпа ҳосили саранжомлаб бўлинат 396 гектар ердаги бугдойни янчи олиш бошла-нади. Бугдойзорлар ҳам галлакорларни чорламоқда. Райондаги «Партия XXIV съезди», «Партия XX съезди», «Ўзбекистон ком-сомоли 50 йиллиги», «Мос-ква», «Пахтакор» ва бошқа давлат тўғрисидаги ҳам галла ўрим-йиғими қизғин олиб боришмоқда. Жамъ 4519 гектар ердаги арпа ва бугдой ҳосили саранжомлаб олиниши керак.

Ж. ЮСУПОВ.

ажалаштирил-
шу йил мо-
а оширилиши
(ЎзТАГ).

ТАЛАФОТ САБАБИ ВА САБОҒИ

Чорвачилик — қишлоқ хўжалигининг энг сертаъсир, нозик ва машаққатли тармоқларидан бири. Бу соҳада қўзланган мақсадга эришиш учун наслчилик ва зооветеринария ишлари юқори даражага кўтарилиши, ем-хашакни мўл-кўл қилиш, чорвадорларга зарур шарт-шароит яратиб бериш ва бошқа бир қатор долзарб масалаларни изчил ҳал этиб бориш лозим. Тармоқ ходимлари қўйидаги мўлоҳазани тез-тез тилга олишади: «Деҳқончиликда бирон-бир камчиликка йўл қўйилса, уни келаси баҳорда, нари босса, бир йилдан кейин тузатиб юбориш мумкин. Чорвачиликда эса нуқсонни бартараф этиб, аҳолини ўнглаб олиш учун уч-тўрт, ҳатто баъзан беш-олти йил керак бўлади». Бу ўринда наслчилик, зооветеринария, турли юқумли касалликлар билан боғлиқ ўткир муаммолар назарда тутилмоқда.

Тармоқда юқори маҳсулдорликка эришиш учун кенг қўламдаги тадбирлар белгиланган, режа тузиш билан иш битмайди. Соҳа самарали ривожланиши учун ҳар бир ишни сиқидили, омилдорлиги билан адо этиш, белгиланган тартиб-қоидаларга ўзла риоя қилиш, фидойилик қўриштириш, чорва молларининг ҳолатини кечроқ кузатиб бориш, ҳодимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш таъминлаш ва бошқа муҳим омиллар ҳамма шунга қараб қараш лозим. Айтиш шундан назардан Галаба районидagi бўрдоқчилик пункти ва «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхози фаолиятига назар ташлар эканмиз, икки хил манзари кўрамиз. Биринчи кўзланган мақсадга эришиш йўлида ибратли ишлар амалга оширилади. Иккинчисида яхши ният — сермахсул гolland сиргиларини ўлкамиз табиий-иклим шaroитига мослаштириш, шу асосда оқ чамма бўлогини кўпайтириш йўлида кўп қийинчиликларга дуч келинаётган, қатор жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Бўрдоқчилик пункти беш йил муқаддам жуда нозор аҳволга тушиб, барча кўрсаткичлари пасайиб кетган эди. Шу боис пунктда чорвачилик соҳасида яхши тажриба тўплаган, Қалинин районидagi «Расвет» совхозини сингари йирик хўжаликда ишлаб, кўзи пишган Учқун Алнев директор этиб тайинланди. У ишнинг теварак-афродни тартибга келтиришдан бошлаб, молхоналарни таъмирлашга, янгиликларни қўришга, жараёнларни механизациялашга алоҳида эътибор берди. Асосий бўғинларнинг ишбошларини, мутахассисларнинг масъулиятини оширишди, топириқ учун жавобгарлик қийайтиришди.

Молбоқарларнинг пировард натижадан моддий маънаводорлигини ошириш мақсадида икки хўжалик ҳисоби жорий этилди. Яъни ҳар бир бригадга ёки оила қанча ишчи кучи, озуқа сарфлаб ва бошқа харажатларни қилиб, молни қандай семиртирилганга қараб иш ҳақи олд. Иқтисодий омиллар харажата келтиришга, кўрсаткичлар ахширлаша бошлади. Ўтган беш йил давомида натижалар ўсёб борди. 1985 йили чорва молларининг 150 тонна семиртиришга эришилган бўлса, бу кўрсаткич 1991 йилда режалат 340 тонна ўрнига 380 тоннага етди. Ўтган йили тирик вазид 2,500 тонна гўшт топириш кўзда тутилган. Амалда эл дастурхонига 2,857 тонна маҳсулот етказиб берилди. 1991 йилининг ўтган даври натижалари ҳам қувонарли: чорва молларини режалат 160 тонна ўрнига 228 тонна семиртиришга эришилди. Йилнинг биринчи ярмида тирик вазид 1,700 тонна гўшт топиришди. Бу кўзда тутилганидан 200 тонна кўпдир.

Хўш, бундай натижаларга нисбатан ҳисобига эришилганми? Бўрдоқчилик пункти раҳбарлари, мутахассислари ишнинг оқилона ташкил этиш, мўл ем-хашак етказиб бериш ва бошқа масалаларни изчил ҳал этишмоқда. Неймат Худойқулов бошлиқ озуқакорлар 56 гектар ердаги беддан мумкин қадар кўпроқ пичан олиш пайида бўлишайпти. Ҳафиз Абдуназаров етакчилигидаги бўрдоқчибоқарлар ҳар бир юмушни сиқидилдан адо этишайпти. Беш ака-ука — Мурод, Мирза, Хусан, Рустам, Тўлқун Султоновлар, Абдурахмон Шабатаев сингари касбига меҳр қўйган чорвадорлар ҳам касбларига намунадиқлар. Фидойиларнинг гайрат-шижоати тўғрисида ҳар бир қорамолни кунига режалат 600 грамм ўрнига 1000—1100 грамм семиртиришга эришилган. Пировард натижа ҳам қувонарли: гўшта топиришга қараб ҳар бир бўрдоқ ўртача 535 килограмм тош босмоқда. Шунга мувофиқ иқтисодий кўрсаткичлар ошмоқда. 1990 йилнинг дастлабки олти ойида 236 минг сўм фойда қўрилган бўлса, 1991 йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 300 минг сўмни ташкил этди.

— Ютуқларни кўпайтириш ҳақида ўйлашмиз, — дейди бўрдоқчилик пункти директори У. Алнев. — Ҳозир умумий қиймат 4,5 миллион сўм бўлган замонавий чорвачилик комплекси қурилиши бошлаб юборилди. У биттач, иш ҳажмини бир неча баравар ошириш имкониятига эга бўламиз. Бизга боғлиқ бўлмаган бир қатор муаммоларни тегишли ташкилотлар икбий ҳал этишса, умумий ишга нафи тегадир. Хўжалигимизга шелуха ажратилиши масаласини олиб кўрайлик. 1985 йилда чорва молларини 150 тонна семиртириш режалаштирилди, 4,500 тонна шелуха берилган. 1991 йилда эса 348 тонна семиртириш кўзда тутилган ҳолда бор-йўғи 2,350 тонна шелуха ажратилди. Бу эътиборнинг 23 фоизини қоплайди, ҳолос. Омикта эм масаласида ҳам аҳвол шундай. Йил давомида 5—6 минг бош қорамолни, ўн мингдан зиёд қўйни бўрдоқига боқиб учун 3,5 минг тонна аралаш озуқа талаб этилади. Бизга эса 1991 йил учун атиги 1,400 тонна омикта эм ажратилган. Дастлабки олти ойнинг ўзидаёқ уни олиб бўлди. Шу ўринда бир иқтисодий масалани таъкидламоқчиман: биз қорамол ва қўйларни энг сўнгги босқичда — яъни гўшта топирилиши арафасида икки ярим-уч ой давомида семиртирамиз. Шу даврида чорва моллари белгиланган рақдон асосида, тўғилиш озуқа билан боқилиши керак. Агар энг зарур пайтда эм тақил бўлса, мол эт олишдан тўхтабди, ҳатто бориш ҳам йўқота бошлабди. Демак, қанча пайтдан бери чекилган заҳмат, сарф-харажат эса кетди. Чорва молларини асосан дағал хашак билан боқилиши уларни семиртириш мурдатини узайтириб юборди. Омикта эм, шелуха ажратилиши режалаштирувчи

Кейинчалик жуда кўп муаммоларга дуч келди.

Энг аввало гolland гунажинларини боқибга мўлжалланган чорвачилик комплекси ўз вақтида фойдаланишга топширилмаганлиги, зотдор моллар қурилиш кетаятган, машина-механизмлар ишлатилаётган жойга қўйилди. Бу зооветеринария талабларига мувофиқ зиддир. Район, вилоят, республиканинг айнан шу соҳага масъул этилган мутахассислари ҳали тайёр бўлмаган комплексга мол қўйиш асло мумкин эмаслигини кўра-бизла туриб, қатъий кўрсатмадиқлар. Улар пухта тайёргарлик қўрилмай туриб, 580 бош зотдор молни бир хўжаликка йўллаган ҳайбаракаллачи раҳбарларнинг қарорига муроасолик қилдилар. Гунажинлар тўла биттаган комплексга 1989 йилнинг ноябрь ойида киритилган бўлса, барча ишларни низоҳатга етказиш 1990 йилнинг августига қадар давом этди. Шунинг оқибатида ва бошқа кўпгина сабабларга кўра моллар турли касалликларга чалиниб, катта талафот қўрилди.

Валютага сотиб олинган наслдор гунажинлар совхозга келтирилганидан кейин ярим ой ўтар-ўтмас қишлоқ-қировли қулар бошлади. Жониворлар учун обхавонинг нуқулаллиги, комплексдаги оғир шарт-шароит кўп мушкулликлар келтириб чиқарди. Масалан, молларнинг оғир олдига турадиган жойи мамлакатимизда боқилмаган сиргиларга мўлжалланган эди. Гolland қорамолларининг бўйи эса анча узун. Уларнинг орқа оёғи бетон супақадан сирғалиб тушиб кетарди, тўғи шикастланарди. Шу ўринда Гollandида сиргилар асосан йилловларда боқилишини, кўма қурилмалар ёрдамида ўша ернинг ўзига соғилишини, молхоналарда сақлан

Икки хўжалик жамоа чорвачилиги таҳлили

ташкilotлар масаланинг ана шу жиҳатини эътибордан қочқармасликлари керак.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозини фақат Тошкент вилоятида эмас, балки жумҳуриятимиздаги йирик, кўп тармоқли хўжаликлардан бири. Бу совхозда ярим асрдан ортиқ вақтдан бери деҳқончилик соҳасидаги фан-техника янгиликларини сиқидиб ўтказиб, эришилган тажриба бошқа жойларга тавсия этилмоқда. Айниқса, пахтачиликни комплекс механизациялаш, замонавий технологияни жорий этишда маълум ютуқларга эришилган. Хўжаликда келинг йилларда чорвачиликни ривожлантириш, хусусан сўт еттиштиришни кўпайтириш тадбирлари қўриляпти. Шу мақсадда Гollandиянинг зотдор гунажинларни келтиришди. Булар хоржиядан валюта ҳисобига сотиб олинди. Республикамиз хўжаликлари учун Гollandиядан сотиб олинган 2360 бош гунажиннинг 580 бошини «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозига бериш режалаштирилган эди. Молларнинг мамлакатимиз гарбий чегарасидан олиб келинишини уюштириш вазифаси хўжаликлар зиммасига қўйилди.

— 1989 йил ноябрь ойида хўжаликнинг икки қанчадан иборат маҳсул гуруҳи гolland гунажинларини олиб келиш учун СССРнинг гарбий чегарасида борди, — деди совхоз бош зоотехниги М. Аҳмедов. — Моллар Гollandиядан чегарага қадар маҳсул жиҳозланган, замонавий юк машиналарида олиб келинган экан. Улар турли юклар ташилган, яхши тозаланаган ёниқ вагонларга ўтказилди. Гунажинлар маҳкамлаб боғланмаганлиги ёки бошқача бирон бир шарт яратилмаганлиги сабабли тўрт-беш кун давомида нуқул вагонларда чайқалиб, димиқиб, ҳар жиҳатдан қийналиб келишди. Сўнгги кунларда поезд чўл минтақаларидан ўтган пайтда улар сув топиб бериш қийин бўлди, озуқа ҳам етмай қолди. Шу ўринда гунажинлар Гollandиядан қочқирланганини, тўғишларига атиги икки ой мурдат қолганлигини айтиб ўтиш керак. Демак, жониворлар қоридан бузоқлари билан шундай қийинчиликларга дуч келдилар. Зотдор молларни олиб келишга яхши тайёргарлик қўрилмаганлиги ва умуман транспортимиза замон талабига жавоб бермаслиги оқибатида ҳали Тошкентга етиб келмаси мизданқо талафот бошланди: битта гунажин вагонда ноҳуд бўлди, вазият иккинчиси темир йўл станциясида сўйиб юборишга мажбур эди. Бундан ташқари ҳар бир жонивор совхозимизга етиб борунича 50—60 килограммдан эт ташлади. Булар ҳали бошланиши экан.

ган пайтда оғи тагига юмшоқ тўшама солинишини таъкидлаб ўтиш зарур. Уларнинг тўғи ўша мамлакат шарт-шароитига мослашган. Бизнинг комплексларда эса ҳамма ёқ бериб, Энг хавфлиси шунки, мол тўғи жараҳатланган, у намлинига газак олади, турли касалликларнинг микроблари ишлашади. Дастлабки пайтларда шу сабаб аниқгина гунажинлар хасталанди. Мушкул аҳволдан қутулиш учун совхоз ходимлари нисмалар қилишмади дейсиз? Оғир-хона майдончаларининг эни кенгайтирилди. Мол тўғини шикастлаб олмаслиги учун ҳар йилгига кунда уни текислаб туриш йўлга қўйилди. Совхоз ходимлари молларга уч-тўрт кун икитиш учун маҳсул «этик» тайёрлаш юзасидан район маънавий хизмат қўришнинг комбинатига буюртма беришди. Қандай бўлмасин моллар жонига оро қилиб, уларни табиий-иклим шaroитимизга мослаштириш керак эди. Шу мақсадда совхозда шошилчи бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилди. Чорвачилик комплекси смета қийматига қўшимча равишда ярим миллион сўмлик иш бажарилиди. Маълумки, Гollandиянинг иқлими бизникидан тубдан фарқ қилади. Бирмунча салқин шарт-шароит яратиб учун қорамоллар яйраб юрадиган барча майдончаларнинг усти тўсиди. Етмиш минг сўм сарфлаб, моллар учун душ қўрилди. Комплекста яқин жойда 52 гектарлик маданий яйлор ташкил этилганлиги мослаштириш борасидаги муҳим қадам бўлди.

Хоржидан қорамол келтиришга пухта тайёргарлик қўрилмаганлиги, гolland сиргиларини боқиб технологияси ва зооветеринарияси илмий жиҳатдан атрофчила ўрганилмаганлиги, айрим ҳодимлар, мутахассислар зиммаларидаги вазифаларга совуққонлик билан қараганликлари ва юқорида таъкидланган табиий-иклим шaroити билан боғлиқ сабабларга кўра 1989 йилнинг ноябридан 1990 йилнинг сентябрга қадар 103 бош гунажин ва сиргилардан чиқарилди. Уларнинг из боши майбурли равишда сўйиб юборилди. 1990 йилнинг январидан бошлаб ҳозирга қадар 584 бош бузоқ олинди. Бу ўринда сиргиларнинг маълум қисми иккинчи марта насл берганлигини назарда тутиш зарур. Юқорида санаб ўтилган сабабларга кўра бузоқлардан ҳам катта йўқотиш бўлди. Яъни 98 бош бузоқни ҳисобдан чиқаришга тўғри келди. Бу асосан дастлабки тўғида ойда юз берди. 1990 йилнинг сентябидан бошлаб вазият секинлик билан бўлса-да, ахшилана бошлади.

Бир хўжаликда қарийб икки юз бош молнинг ҳисобдан чиқарилиши Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

ҳайъати мажлисида атрофчила муҳома қилиниб, шу ишга бевосита дахлдор ишчилар жазоланишди. Совхоз директори С. Султонов, бош зоотехник М. Аҳмедов, бош ветеринария врачлари С. Аскар, Тошкент вилояти деҳқончилик-саноат уюшмалари иттифоқи ветеринария бўлими бошлиғи М. Орифжонов, Галаба район ветеринария станцияси бош врачлари З. Аскар, Аскарларга ҳайфсан эълон қилинди. Улар йўл қўйган жиддий нуқсонлари учун жазоланганликлари таъкидланган ҳолда, ҳақиқий аҳволни таҳлил этмай туриб шомша-шошарлик билан кўрсатма берган вилоят ва район миқёсидаги мутасадди ўртоқлар масъулиятдаги четда қолганликлари, содир бўлган воқеалар уларга сабоқ бўлмаганлигини айтиш зарур.


Нуқсонни бартараф этиш, йўл қўйилган камчиликлардан сабоқ олиш учун унинг туб сабабларини аниқлаш зарур. Мутахассислар томонидан тайёрланган ҳужжатларда гунажинлар ва сиргиларнинг 20 боши нафас олиш органлари, ўн уч боши ошқозони хасталанганлиги, асарияти эса жараҳатланган тўғи орқали инфекция киргани, шунингдек оқсим касалига дучор бўлганлиги сабабини чиқариб чиқаришга қайд этилган. Шу ўринда бир масалани олиб кўрайлик. Хўш, гolland гунажинларининг ошқозони нега касалланди? Чунки улар икки ярим ёш бўлгунча еган ем-хашак билан биздаги озуқа ўртасидаги фарқ жуда катта. Хоржидан мол рақсонининг 45 фоизини тўғилиш озуқа ташкил этади. Уларда омикта еминг. 20 фоиз макжаҳҳори доми, 22 фоиз қокос ёғи, 15 фоиз сўз ва 25 фоиз лағалга қўнарарси ва бошқа тўғилиш озуқаларидир. Бизда тайёрланган омикта емининг 55 фоиз нақадан иборат. Гollandия озуқасида нақад 2 фоиздан камдир. Бундай вазиятда нима қилиш керак? Совхоз Янгийўл биохимия заводидан премикс деб аталувчи тўғилиш қўшимчаннинг ҳар тоннасини етти минг сўмдан сотиб олиб, омикта емига қўшиб берайпти.

Шунча сарф-харажатлар, мутахассисларнинг елиб-юғириши, чекилган заҳмат қандай натижа бермоқда, иш олдинга силинганлиги, деган ҳаққоний савол берилиши табиий. Бир йилу саккиз ой муқаддам 580 бош гolland гунажини сотиб олинган бўлса, ҳозирги пайтда 477 бош сиргилар ва 468 бош бузоқ боқилмоқда. Улар бутунги кунда табиий-иклим шaroитига анча мослашиб қолди. Лекин кўп машаққатлар чекишга тўғри келмоқда. Барча харажату заҳматларнинг қайтими сифатида қўйилганлиги таъкидлаш зарур: гolland сиргиларнинг аксарияти кунига 20 килограммга етказиб сот берайпти. Учдан бир қисмининг маҳсулдорлиги 25—35 килограмм ва баъзан ундан ҳам ортиқни ташкил этаётган. Бу мамлакатимизда боқилаётган сиргилардан 2—3 ҳисса кўпдир. Кейинги 8—10 ойда аҳвол ахшиланганлигини комплексда давлатга сотиш кўпайганлиги ҳам кўрсатиб турибди. 1990 йилнинг дастлабки олти ойида 460 тонна маҳсулот топирилган бўлса, бу кўрсаткич 1991 йилнинг ўтган даврида 874 тоннани ташкил этди. Сиргилар маҳсулдорлиги ошганлиги тўғрисида хўжалик ўз тарихида биринчи марта 1990 йили сўчликланган 73 минг сўм фойда қўрди. Юқорида таъкидланган камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмаганда натижалар янада қувонарли бўларди.

Сабоқ олиш маъносиди яна бир фикрнинг айтиб ўтиш зарур. Гollandиядан совхозга ташириб буюрган вақчалар учин мингдан зиёд қорамол бир жойла боқилаётганлигини кўриб ҳайрон қолшибди. Уларнинг мамлакатиди бир фермадаги моллар 50—70 бошдан ошмас экан. Меҳмонлар бу ҳар жиҳатдан афзал эканлигини таъкидлашган. Айниқса, зооветеринария хизмати қўришнинг, касалликларни теда бартараф этиш ва тарқалишга йўл қўймаслиги шунинг таъза-этиди.

Республикаимизда чорвачилик масалалари билан шуғулланувчи кўпбал бирлашмалар, илмий-тадиқот институтлари, зооветеринария хизмат бўлиналари ва бошқа ташкилотлар мавжуд. Улар тармоқ ходимларига ақидан ёрдам беришга даъват этилганлар. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозда йўл қўйилган жиддий нуқсондан Тошкент вилояти деҳқончилик-саноат мажмуи раҳбарлари, республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги мутахассислари билан бирга илм-фан соҳиблари ҳам тегишли сабоқ олиб, хулоса чиқаришлари керак.

С. САИДАЛЛОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»
маҳсул мухбири.



ҚАЛБ ДАЪВАТИ

Сойибжон Тоҳиров асли Фарғонанинг Раштон районидан. Қалб амира билан Мирзоқулни ўзлаштириш учун келган. Ҳозирги кунда Ховос районидagi «Октябрь 70 йиллиги» давлат хўжалигининг 3-бўлимига қарашли 2-бригадга етакчилиги қилаётган. Ўзининг меҳнатсевалиги, одамхўшлиги, камтарлиги билан кўнчили хўраматини қозонган. У бошлиқ жамоа жорий йилда 76 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган. Мақсад — гектар ҳисобига 25 центнердан сифатли пахта еттиштириш.

Бригадга бир неча йилдан бери ижара усулида иш қилимоқда. Бу мўл ҳисоб олишда қўл келаяпти. Ижарачилар ҳозирги пайтда экинлари маромида парварчи қилимоқдалар. Бутунгача барча пайкаллардаги гўзалар уч марта қўлтива-циядан чиқарилиб, икки марта сувга қондирилди. Астойдил меҳнат қилинаётгани шундоққина кўриниб турибди: тулпардаги ҳосил тугунчалари кун сайин кўпаймоқда.

С. Тоҳиров нафақат бригадга, балки катта хонадонга ҳам боқибди. Ўн фарзанди бор. Улар отадан жамини яхши хислатларини ўрганишмоқда. 33 йилдан бери қўлда пахтакорлик касбини улуглаётган Сойибжон ана яшашда ва ишлашда ҳаммага ўрнак бўлаяпти.

Э. ТўЛАГАНОВ.

Мусаввир Маҳмуд Жўраев чизган расм.

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

1 июль куни Ўзбекистон ССР Давлат банки жумҳуриятимизнинг энг катта банки — акционерлик-тижорат деҳқончилик-саноат банкини рўйхатга олди. Унинг совхозлар, колхозлар, фермерлик ва деҳқон хўжаликларига, саноат қайта ишловчи тармоқларининг қорхоналарига, қурилиш ва бошқа ташкилотларга хизмат қилиш учун ташкил этилган кенг тармоқли бўлимлари бор. Жумҳурият банкилари амалга ошираётган барча операцияларнинг 60 фоиздан кўпроғи жумҳурият деҳқончилик-саноат банки ва унинг бўлимлари ҳиссасига тўғри келди.


Банкнинг янги мақоми унга фаолиятнинг маъмурий усулларидан иқтисодий усулларга ўтишга, мижозларга хизмат қўришнинг сифатини оширишга, хўжаликларнинг ҳақиқий шерти бўлишга имконият беради.

Банкнинг низомидаги сармомаси 500 миллион сўм бўлиб, у саккизта муассис ва мингдан кўпроқ акционерларнинг пули ҳисобидан ташкил этилди. Банк сармомаси жалб этилган маблағлар билан биргаликда қорхоналар ҳамда ташкилотларга қарз бериб, ёрдам қўришатиш учун сарфланади.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Гулистонда халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари вилоятда пул муомаласи ва истеъмол бозорини бир меъёрга солиш юзасидан режалаштирилган тадбирларни муҳома қилдилар.

Ўзбекистон ССР Президентининг Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни ахшилаш тўғрисидаги фармони қандай бажарилаётгани кўриб чиқилди. Бошқа масалалар ҳам муҳома қилинди.



Ҳосилини тақдир қилган ҳар бир деҳқонга бевосита боғлиқ. Чунки оғир-оғирда уюллаган хирмоннинг ҳар бир миқсоли уларнинг қандоқ кўлларидан ўтади. Ҳар бир гўза, ҳар бир қўсак устига чопиқчининг пешона тери тўқилмаса, сувчининг қалб қўри, механизаторнинг меҳри баҳишда бўлмаса, у ҳосил бермайди. Бағдод районидagi «Пахтакор» жамоа хўжалиги механизатори Аҳмадхон Нишонов ҳам бу

ни яхши билади. Шу сабабдан иш умуми. У аниқ кўнларда гўза қатор ораларига ишлов бериш билан банд. Ўз касбининг устаси парварши қилаётган иқлолларнинг ривожини яхши.

СУРАТДА: моҳир механизатор, устактакор А. Нишонов.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«УЧРАШУВ» КЛУБИ

«Учрашув» клубининг бўлиб ўтган биринчи мажлисида Коммунистик партия тарихининг саҳифалари жонланди. Клуб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорига биноан Марказий Комитет билан Тошкент вилоят партия комитетининг икитомий-сиёсий маркази ҳузурида ташкил этилган. Мажлиси клуб раҳбари — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов оқди.

Мажлисида партия фахрийси, Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссиясининг аъзоси Н. А. Муҳидинов, Тошкент электр техника-алоқа институтини нафдорсининг муdiri, тарих фанлари доктори А. Г. Абдунабиев, Тошкент дорилфунуни нафдорсининг муdiri, тарих фанлари доктори Г. А. Хайдов, Тошкент дорилфунунининг доценти, тарих фанлари номзоди В. У. Юсупов сўзга чиқдилар.

Клуб режасига мувофиқ жумҳуриятнинг партия ва давлат арбоблари билан, таълиқ олишлар, адабиёт ва санъат арбоблари билан учрашувлар ўтказилди.

Қиёбастунослик ва бошқарув илмҳои раҳбар кадрлар ва мутахассислар малакасини ошириш факультетидида вилоят, шаҳар партия комитетлари икитомий иқтисодий бўлимлари мудирлари ўринбосарларининг, жумҳурият вазирликлари ва идоралари, Ўзбекистон ССР ва Токистон ССР йирик қорхоналари, бирлашмалари ва концернлари партокмлари котибларининг бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари юзасидан икки ҳафталик ўқувни низоҳатга етди.

КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссияси 1991 йил апрелдаги пленумининг иқтисодиётни тангидан чиқариш йўллари тўғрисидаги қарорлари асосида партия ташкилотларининг вазифалари, бозорнинг моҳияти ва Ўзбекистон иқти-

соидетини бозор муносабатларига ўтказиш хусусиятлари, демократиялаш ва сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги шaroитида икитомий-иқтисодий жараёнларга сиёсий раҳбарлик қилиш шакллари ҳамда усулларини ўзлаштириш, бозор муносабатларига ўтиш даврида тушунириш ва ташкилотчилик ишнинг хусусиятлари наби асосий муаммолар лекцияларда, семинарларда, партия, совет раҳбарлари билан, мутахассислар, олимлар билан учрашувларда таҳлил этилиб, муҳома қилинди.

Ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини бозор муносабатларига ўтказиш во-

КАДРЛАР ҲУЗУВИ

соидетини бозор муносабатларига ўтказиш хусусиятлари, демократиялаш ва сиёсий фикрларнинг хилма-хиллиги шaroитида икитомий-иқтисодий жараёнларга сиёсий раҳбарлик қилиш шакллари ҳамда усулларини ўзлаштириш, бозор муносабатларига ўтиш даврида тушунириш ва ташкилотчилик ишнинг хусусиятлари наби асосий муаммолар лекцияларда, семинарларда, партия, совет раҳбарлари билан, мутахассислар, олимлар билан учрашувларда таҳлил этилиб, муҳома қилинди.

Ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларини бозор муносабатларига ўтказиш во-

ситалари, иқтисодиётни икитомий соҳага буриб юбориш ва унинг хилма-хил шакллари, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш йўллари, икитомий корхоналарни ривожлантириш, молиявий ва солик тизимини мустахкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш, жумҳуриятнинг икитомий иқтисодий алоқаларини кенгайтириш омиллари тўғрисидаги мунозаралар тингловчиларга ҳозирги икитомий-иқтисодий вазиятни чуқурроқ тушуниш, партия комитетлари фаолиятининг йўналишларига аниқлик ва пухталик киритиш имконияти берибди.

Ўзбекистон Компартияси

лардан катта самара билан фойдаланиш мумкин бўлган тармоқлар оз эмас.

Яқингача бўлимининг мавзулари қатъий чеklang қўйилган эди. Хўжалик ҳисобига ўтилганидан сўнг бу ерда ўз ишланмаларидан қандай қилиб самарали фойдаланиш мумкинлигини излай бошладилар. Тошкент аварамонт заводи учун мойни тозалаш муаммосини ҳал қилишдан бошладилар.

